

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎРТА МАХСУС КАСЬ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАСИДА
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

ТОШКЕНТ

“Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллий қадриятларни, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаши, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносаб обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан қурашиши мумкин”.

И. Каримов

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасининг (бундан буён матнда “Таълим муассасаси” деб юритилади) одоб-ахлоқ қоидалари (бундан буён матнда “Қоидалар” деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили” Давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг тегишли буйруқлари, таълим муассасасининг Низоми, ички тартиб қоидалари ҳамда умумэътироф этилган маънавий-ахлоқий тарбия тамойиллари асосида ишлаб чиқилган.

Қоидаларнинг ишлаб чиқилишида таълим муассасасининг асосий вазифаси таълим-тарбия беришдан иборат эканлиги, Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид қонун ҳужжатлари ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, ҳар кимнинг билим олишдан иборат конститутциявий ҳуқуқини таъминлаш, таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва маънавий-маърифий ишларнинг самарали шакл ва услубларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш назарда тутилган.

1.2. Қоидалар Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Мувофиқлаштирувчи Кенгаши томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради ва унга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш Мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарорига биноан оширилади.

1.3. Қоидалар таълим муассасасининг маъмурияти, ўқитувчилари, ходимлари ва ўқувчилари (жамоа аъзолари)нинг таълим муассасасидаги ўзаро муносабатлари, одоб-ахлоқ тамойиллари, риоя этишлари шарт бўлган хулк-автор қоидалар ва мажбуриятларни белгилаб беради.

1.4. Қоидаларга риоя қилиш таълим муассасаси жамоа аъзолари учун мажбурийдир.

1.5. Ўқувчиликка ва ишга қабул қилинаётган ҳар бир шахс Қоидалар билан танишиб чиқиши ҳамда унга риоя қилишини ўз зиммасига олиб, имзо қўйиши шарт.

1.6. Таълим муассасаси жамоат, давлат ва нодавлат ташкилотлар, таълим ва илмий муассасалар, тадбиркорлик субъектлари, оммавий ахборот воситалари, ўқувчилар ота-оналарининг мазкур Қоидаларга риоя этишидан манфаатдордир.

1.7. Ҳар бир таълим муассасаси раҳбари мазкур Қоидаларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича таълим муассасасининг ички бўйруғини чиқаради.

1.8. Қоиданинг тўлиқ матни таълим муассасасининг кўринарли жойида туради.

2. Мақсад ва вазифалар

2.1. Қоидаларнинг мақсади – таълим муассасасида соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш, унинг нуфузи ҳамда обрў-эътиборини асраб-авайлаш, юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори билим ва малакага эга кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш, таълим муассасасининг жамиятдаги ҳамда таълим тизимидаги нуфузини янада оширишдан иборат.

2.2. Қоидаларнинг асосий вазифалари:

- юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, жамият, давлат ва оила олдида ўз масъулиятини ҳис этадиган, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган, ватанпарвар ва халқпарвар, ташаббускор ва тадбиркор, замонавий билим ва юксак инсоний фазилатларга эга иродаси бақувват, иймони бутун ва вижданои пок шахсларни тайёрлаш;

- таълим муассасаси жамоа аъзоларининг маънавий-мафкуравий иммунитетини шакллантириш, сақлаш ва ҳимоя қилиш;

- ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузиш, зўравонлик, бехаёлик, шафқатсизликни ташвиқот ва амалга оширишга қаратилган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, ёшларни ичкилиkbозлик, кашандалик, гиёҳвандлик иллатлари ҳамда бизга ёт диний экстремистик таъсирлардан, паст савияли “Оммавий маданият” ҳуружларидан ҳимоя қилишга кўмаклашишдан иборат.

3. Жамоа аъзоларининг одоб-ахлоқига оид умумий қоидалар

3.1. Таълим муассасаси жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатлари ҳамжиҳат-лик, ўзаро ишонч, ҳурмат, бир-бирига ғамхўрлик қилиш ҳамда ахил-иноқликка асосланиши зарур. Жамоа аъзосининг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳамда халқимизнинг маънавий-ахлоқий меросини асраб-авайлаш мақсадида жамоа аъзолари бир-бирига “Сиз” деб мурожаат қилиш одат тусига кириши лозим.

3.2. Таълим муассасасида ўзаро муносабатларнинг асосий тамойилларидан бири шуки, бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахснинг ҳуқуқини поймол қилмаслиги лозим, жумладан жамоа аъзосининг сўз эркинлиги унга бировга туҳмат қилиш, уни ҳақорат қилиш, ўзаро муносабатларда умум эътироф

этилган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи беҳаё сўзлардан фойдаланиш хуқуқини кафолатламайди.

3.3. Эътиқод эркинлиги таълим муассасасига диний маросим либосларида келиш хуқуқини кафолатламайди.

3.4. Кийиниш эркинлиги таълим масканига тарбия жараёнига салбий таъсир қилувчи кийимда келишни кафолатламайди. Жамоа аъзоларининг таълим муассасасига қуидаги кўринишда келишлари таъқиқланади: одамлар диққатини тортадиган, танани шаффоф кўрсатиб турадиган, елка, кўкрак ва корин, тизздан юқори қисмлари очик қоладиган, ҳаддан зиёд тор, диний ибодат либосида келиш. Шунингдек, металл занжирлар, тўғноғичлар, танага турли мунчоқлар қадаган, тана аъзоларига турли расмлар тасвирини туширган, узун соchlарни ёйган, ўткир ҳидли атири-упаларни сепган, тана аъзолари, соғломлаштириш машғулотларидан бошқа пайтда спорт кийими ва пойабзалида келиш.

3.5. Таълим муассасаси жамоа аъзолари турли тадбирлар (мажлислар, тантанали йиғилишлар, амалий учрашувлар, байрамлар)да сўзга чиқувчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, жамоат тартибига, маиший тинчликка риоя этиши шарт. Зарурат тақозо этганда, бир нотиқ ўз сўзини тутатиб, бошқаси сўз бошлиши оралиғидагина залдан чиқиши мумкин.

3.6. Биноларга кириш жойларида тирбандлик юзага келса, ўқувчилар ўқитувчи ва ходимларни, эркаклар аёлларни ўзларидан олдин ўтказиб юборишлари лозим.

3.7. Бинога кираётган ҳар бир киши биноларга кириб-чиқиши назорат қилиш учун тайинланган масъул шахс ёки навбатчига ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни очик ҳолда кўрсатиб ўтиши зарур.

3.8. Жамоа аъзолари таълим муассасаси худудида йўлнинг ўнг томонидан юришлари керак. Бир-бирига салом беришлари, бунда: ўқувчилар ўқитувчи ва ходимларга, эркаклар хотин-қизларга, ёшлар катталарга биринчи бўлиб салом беришлари зарур. Бунда қўл бериб сўрашиш истисно бўлиб, ёши катталар биринчи бўлиб қўл узатганидан кейингина унга жавобан қўл узатиш мумкин.

3.9. Миллий ва умумбашарий қадриятларга хос бўлмаган, шунингдек таълим муассасасининг ички фаолиятига доир муаммо ва масалаларни Интернет тармоғига жойлаштириш ёки ундан турли мақсадлар йўлида фойдаланиш таъқиқланади.

3.10. Компьютерларда, уяли алоқа воситаларида ва ўзаро муносабатларда таълим муассасасига тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, турли кинофильмлар, ноқонуний диний маълумотлар, беҳаё суратлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб этувчи ҳар қандай материални тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва тарғиб этиш қатъиян ман этилади.

3.11. Ўқув машғулотларида, ишга ҳамда жамоа аъзоларининг осойишталигига халақит берадиган ҳатти-ҳаракатлар (радиоприёмник, телевизор, магнитофон ва бошқа овоз кучайтириш воситаларидан мақсадсиз фойдаланиш) содир этиш таъқиқланади.

3.12. Таълим муассасаси жамоа аъзолари дарс машғулотлари ва ишга белгиланган кун тартибига кўра ўз вақтида келишлари шарт.

3.13. Таълим муассасасида ҳар қандай ҳуқуқбузарлик содир этиш таъкиқланади, шу жумладан, тухмат қилиш, ҳақорат қилиш, жамоа аъзосига маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотни тарқатиш, тан жароҳати етказиши, фуқаролик муомаласидан чиқарилган воситаларга оид муносабатларга киришиш (гиёхванд моддалар, психотропик воситалар ва ҳ.к.), ичкилиkbозлиқ, кашандалиқ, майший тинчликка тажовуз қилиш, жанжаллашиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўйнаш қатъиян ман этилади.

4. Ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро муносабатлари

4.1. Ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро муносабатлари “Устоз-шогирд” миллий анъаналарига асосланиши лозим.

4.2. Ўқитувчи аудиторияга кирганида барча ўқувчилар ўринларидан туриб саломлашишлари, сўнгра ўз жойларини эгаллашлари лозим.

4.3. Дарс машғулотлари вақтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш барча учун таъкиқланади.

4.4. Ўқувчи ўзининг ножӯя ҳаракатлари билан дарс машғулотларига ҳалақит берса, ўқитувчи юзага келган вазият ҳақида раҳбариятни хабардор қилиши зарур.

4.5. Ўқувчида ўқитувчи билан ўқув машғулотларидан ташқари вақтда мулоқот қилиш зарурати бўлса, унда ўқувчи қуидаги қоидаларни, яъни:

- ўқитувчи ўқувчи билан дарс жадвалига мувофиқ машғулотларда, маслаҳат соатларида, мустақил ишларни, рейтинг назоратини топширишда ёки ўзаро келишув бўйича белгиланган вақтда шуғулланишини;

- ўзи мулоқот қилмоқчи бўлган ўқитувчининг лавозими, исми, отасининг исми ва фамилиясини аниқ билиши шарт.

4.6. Ўқувчи олдиндан келишилмаган ҳолда ўқитувчининг хузурига келса, умумий ёки ўзаро келишилган маслаҳат соатига кеч қолиб келган ёки келмаган бўлса, ўқитувчидан ҳатто қисқа вақт сухбатлашишни талаб қилишга ҳам ҳақли эмас.

4.7. Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида рейтинг назоратини топширишга доир зиддият келиб чиқсан ҳолларда, ўқувчи рейтинг назоратини маҳсус комиссияга топшириш учун рухсат бериш илтимоси билан гуруҳ раҳбари ёки кафедра мудирига мурожаат этиши мумкин. Бунда мурожаат асосланган бўлиши шарт. Бундай масалалар гуруҳ раҳбари ёки кафедра мудирининг тақдимномасига биноан ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан ҳал этилади.

5. Ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатлари

5.1. Ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатларида - ягона жамоа, ўзаро хурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлилик, ҳалоллик ва адолат тамойиллари амал қилиши лозим.

5.2. Ўқитувчилар муносабатларида инсон қадр-қимматига хурматсизлик қилиш, шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкини ўзлаштириб

олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш қатъиян ман этилади.

5.3. Ўқитувчилар ўз шахсий муаммоларини ўқувчилар олдида мухокама қилмасликлари керак.

6. Ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари

6.1. Ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларида – ягона жамоа, ўзаро хурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлилик, ҳалоллик ва адолат тамойиллари амал қилиши лозим.

6.2. Ўқувчилар муносабатларида инсон қадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкини ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш қатъиян ман этилади.

7. Ўқитувчиларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари

- одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишда ўқувчиларга намуна бўлиш;
- таълим муассасаси манфаатларига зид бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийиш;
- бирор-бир нохуш воқеа ёки ҳодиса рўй берса, зудлик билан у ҳақида маъмуриятга хабар бериш;
- таълим муассасаси шаъни ва нуфузига доғ туширадиган ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олиш;
- таълим муассасаси тўғрисидаги ахборотлардан унинг манфаатлари ва обрўсига зиён етказиш учун ёки ўз манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;
- дарс жараёнида ўқувчиларга одоб-ахлоққа оид миллий анъаналаримиз, урф-одат ва қадриятларимизни тарғиб қилиш;
- ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкилиkbозлиқ ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” ҳуружларидан огоҳ этиб бориш;
- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқишига кўмаклашиш.

8. Ўқувчиларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари

а) таълим муассасаси худудида:

- худудга киришда ўқувчилик гувоҳномасини кўрсатиб кириш;
- худудни ифлослантирмаслик ва чиқиндиларни фақат жойлардаги маҳсус идиш (урна)ларга ташлаш;
- устозларга дуч келганда салом бериш;
- ўқув машғулотлари вақтида худудда сабабсиз юрмаслик;
- таълим муассасаси мулки (кўчар ва кўчмас мулки, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва ҳ.к.)га эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;
- кийиниш ва ўзаро сұхбат маданиятига риоя қилиш;

- мутасаддиларнинг рухсатисиз турли реклама воситаларини осмаслик;
- майший тинчликка риоя қилиш;
- наркотик ва психотроп моддалар, алкогол ва тамаки маҳсулотлар истеъмол қилиниши ҳамда тарқатилишига қарши курашиш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юқоридаги ҳолатлар ҳақида тегишли ташкилотларга ўз вақтида хабар бермаслик жавобгарликка сабаб бўлиши алоҳида қайд этилади.

б) аудиторияда:

- уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйиш;
- дарс вақтида гаплашмаслик;
- жиҳозларга маданий муносабатда бўлиш, парталарга ёзмаслик;
- қоғоз ва бошқа кераксиз нарсаларни қолдириб кетмаслик;
- овқатланмаслик, сақич чайнамаслик;
- ўқувчилар машғулот фаолиятидан келиб чиқиб маҳсус формада бўлишлари шарт.

в) умумий овқатланиш жойларида:

- таомларни олишда навбат тартибига риоя қилиш;
- тирбандлик ҳолатида устозлар, аёллар, ёши катталарга ва тенгдошларга ҳурмат кўрсатиш;
- овқатланиш вақтида шовқин солмаслик;
- умумий овқатланиш шохобчасида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилиш.

г) ахборот-ресурс марказида:

- АРМ ходимлари билан хушмуомалада бўлиш;
- китоблар ва жиҳозларга еҳтиёткорона муносабатда бўлиш;
- Ахборот-ресурс марказидаги компьютер жиҳозларидан эҳтиёткорона фойдаланиш;
- баланд овозда сўзлашмаслик ва атрофдагиларга халақит бермаслик;
- қоғоз, сақич ва бошқа чиқиндиларни қолдириб кетмаслик;
- китобларни олиш ва топшириш тартиб-қоидаларига риоя қилиш.

д) ўқувчилар турар жойларида:

- мавжуд жиҳозларни асраш, уларга зарар етказмаслик;
- электр энергияси, газ ва сув ресурсларидан тежамкорона (оқилона) фойдаланиш;
- санитария ва гигиена хоналаридан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш;
- ўқувчилар турар жойи “Низоми” ва “Ички тартиб қоидалари”га қатъий риоя қилиш.

е) спорт мажмуаларида:

- спорт мажмуасига маҳсус кийим ва пойафзалларда кириш;
- спорт инвентарларига нисбатан маданий муносабатда бўлиш;
- машғулотлардан кейин спорт инвентарларини белгиланган жойларга қайта топшириш;
- спорт мажмуасининг белгиланган тартиб-қоидаларига риоя қилиш.

ж) маданият саройи ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказиши жойларида:

- ўриндиқ ва бошқа жиҳозларга нисбатан эҳтиёткор муносабатда бўлиш;
- оммавий тадбирлар вақтида хуштак чалмаслик, бақирмаслик, тадбир тугашидан олдин сабабсиз чиқиб кетмаслик;
- ухлаб ўтирмаслик, ўриндиқларга ётиб олмаслик, бир-бири билан гаплашмаслик, ён атрофдагиларга халақит бермаслик.

Шунингдек:

- турли давраларда ўзининг намунавий ҳулқи ва билими билан таълим муассасаси ҳақида юксак ижобий таассурот ҳосил қилишга интилиш;
- доимо комилликка интилиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларни чукур англаш;
- таълим муассасаси манфаати, унинг шаъни ва шонли анъаналари, обрўси ҳамда нуфузи тўғрисида қайғуриш, уларни сақлаб қолишга жонкуярлик қилиш ва уларга хурмат билан муносабатда бўлиш.

9. Ўқитувчи ва ўқувчилар одоб-аҳлоқида ман этиладиган ҳолатлар

Ўқитувчи ва усталарга:

- жамоа аъзоларининг шахсияти ва қадр-қимматини камситиш, ўзгаларнинг шахсий ва оиласвий муаммоларини муҳокама қилиш;
- жамоа аъзолари ва бошқалар устидан турли ифво, ғийбат ва бўхтонлар ўюштириш;
- ўқувчилар билан ўз ҳамкарабаларининг касбий ва шахсий камчиликларини муҳокама қилиш;
- ўқувчиларни асоссиз ўқув машғулотлардан чиқариб юбориш;
- ўқув машғулотларида тижорат рекламаси ўтказиш;
- ўқув машғулотларида диний ташвиқот олиб бориш;
- ўқув машғулотларига маст, соч-соқол олинмаган ва кийиниш тартибига риоя қилмаган ҳолда келиш;
- таълим муассасаси биноларида ичиш ва чекиши кабилар қатъян ман этилади.

Ўқувчиларга:

- ўқитувчиларга қўполлик қилиш, машғулотлар вақтида суҳбатлашиш;
- ўқитувчи ва ходимлар билан бошқаларнинг баҳосини муҳокама қилиш;
- ёлғон гапириш, фирромлик ёки ўқитувчиларни чалғитиш билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатлар қилиш;
- педагог-ходимлар, катта усталар ва ўз ўртоқларига нисбатан хурматсизлик қилиш;
- ёзма ишларни ҳимоя қилиш ва рейтинг назоратига доир бошқа тартиб-таомилларни бажариш вақтида четдан ёрдам олиш, ўзгаларга ёрдам кўрсатиш;
- бошқа шахслар томонидан тайёрланган топшириқлар ёки ёзма ишларни ўз номидан топшириш;
- машғулотларни ўтказиб юбориш ёки қечикиб келиш;
- машғулотлар вақтида ўқитувчининг руҳсатисиз аудиториядан чиқиб кетиш;
- бошқа ўқувчининг саъй-ҳаракатларига қасддан зиён етказиш;
- моддий жиҳатдан яхши таъминланганлигини турли йўллар билан кўз-кўз

қилиш қатъяян ман этилади.

10. Маъмурият, ўқитувчилар ва ходимлар ўртасидаги одоб-ахлоққа оид муносабатлар

10.1. Маъмурият, ўқитувчилар ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро ҳурмат, ахиллик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, инсонпарварлик, ғамхўрлик ваadolat тамойилларига асосланади.

10.2. Маъмурият, ўқитувчилар ва ходимларнинг иш фаолиятига доир масалалар бўйича ҳамкорлик қилишида бир тарафнинг бошқа тарафга тазиқ ўтказишига ёки унга ҳаракат қилишига, шунингдекadolat тамойилларига ва таълим муассасаси манфаатларига зид бўлган қарорлар тайёрланишига йўл қўймайди.

10.3. Лавозим даражалари teng бўлган ходимлар ўртасидаги муаммоларни ишчи тартибида ҳал этиш тавсия этилади. Лавозим даражалари teng бўлган ходимларнинг иш жараёнидаги турли муаммоларни ўз ваколатлари доирасида, маъмуриятни жалб этмаган ҳолда ҳал этишлари маъқулланади.

10.4. Жамоада бирор-бир масала билан маъмуриятга мурожаат қилиш тартиби ўзаро ҳурмат (субординация) тамоили асосида ташкил этилади.

10.5. Ўқитувчи ва ходимнинг таълим муассасасида маънавий-ахлоқий ва психологик мухитни янада яхшилаш бўйича ташаббус ва ғоялари рағбатлантирилади.

10.6. Маъмурият ўқитувчилар ва ходимларнинг касбий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишлари учун қулай иш жойи, замонавий компьютерлар, интернет тармоғидан, кутубхона фонди ва ахборот-ресурсларидан эркин фойдаланиш шунингдек ҳордик чиқаришлари, дам олишлари, жисмонан чиниқишлири учун барча имтиёзларни яратиб беради.

11. Рағбатлантириш ва чора кўриш тартиби

11.1. Ўқув йили давомида “Қоидалар”га тўла риоя қилган, таълим муассасасида юксак маънавий-ахлоқий ва психологик мухитнинг янада қарор топиши ва мустаҳкамланишига хизмат қилган жамоа аъзолари, кафедра мудирлари ва бўлим бошлиқлари тавсиясига биноан таълим муассасаси ички тартиб қоидаларига мувофиқ моддий ёки маънавий рағбатлантирилади.

11.2. Жамоа аъзолари ушбу “Қоидалар”ни бузганида, таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларида келтирилган ҳолатлар бўйича чоралар кўрилади.

Шунингдек, жамоа аъзосининг ҳулқ-атвори устидан жамоат назоратини таъминлаш мақсадида, мазкур қоидаларга риоя этилмаганлиги ҳолатлари таълим муассасасидаги Касаба уюшма қўмитаси, “Камолот” ЁИХ, Хотин-қизлар ва “Ота-оналар” Кенгашларида ҳам муҳокама қилиниши ва уларнинг қарорига биноан жамоа аъзосининг ҳулқ-атвори тўғрисида у яшаб турган маҳалла фуқаролар йиғинига маълумот тариқасида ёзма хабар юбориш амалиёти ҳам жорий этилиши мумкин.

Одоб-ахлоқ қоидалари билан танишиб чиқдим, унга риоя қилишни ўз зиммамга оламан

ЎМКХТМ бо'линмаси, гуруҳ рақами